

Маккаи мукаррамада “Вақф” фонди тақдимот қилинди



14:10 / 16.01.2019 2530

Ўтган куни Саудия Арабистонининг Маккаи мукаррама шаҳрида “Вақф” хайрия жамоат фонди фаолияти уламолар, таниқли ватандошлар ва талаба-ёшлар иштирокида тақдимот қилинди. Бу ҳақда muslim.uz нашри хабар берди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳим Иномов иштирок этиб, нутқ сўзладилар.

Тақдимотда “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилиши, хайрия ишлари ва янги лойиҳалари ҳақида маърузалар тингланди, видеоролик

намойиш этилди.

Саудия Арабистонидаги ватандошлар Фонд томонидан амалга оширилган ишлардан ғоятда мамнун эканликларини билдириб ўтишди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**